



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

2021 йил январь ойи учун

2021

Январь

Февраль

Март

Апрель

Май

Июнь

Июль

Август

Сентябрь

Октябрь

Ноябрь

Декабрь

Мундарижа


I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси	2
II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар.....	3
Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари.....	3
Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	5
Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	7
Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	8
Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	10

I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси


Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди.

2021 йилнинг январь ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан **702** та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 356 таси (50,7 фоизи) саноат соҳасида, 174 таси (24,8 фоизи) хизматлар соҳасида, 81 таси (11,5 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 91 таси (13 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши




II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари

2021 йилнинг январь ойи сўров натижалари **иқтисодий фаоллик индексининг** мавсумий омиллар таъсирида ўтган йилнинг декабрь ойига nisbatan бирмунча пасайганлигини ҳамда **ишбилармонлик кайфияти индексининг** яхшиланганлигини кўрсатди.

3-расм. Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг шаклланиши




Хусусан, жорий йилнинг январь ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ) 50,3** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг декабрь ойига (52,7) nisbatan **2,4** бирликка пасайган бўлса, **ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ) 65** ни ташкил этиб, (2020 йил декабрь ойида 60,1) **4,9** бирликка ошган.

Иқтисодий фаоллик индексининг пасайиши, **саноат, қурилиш** ҳамда **савдо** соҳаларида тармоқ иқтисодий фаоллик индексларининг декабрь ойига nisbatan мос равишда **2,7** (49,7 дан январь ойида 47 гача), **4,7** (49,4 дан январь ойида 44,7 гача) ва **8,2** бирликка (58,2 дан 50 гача) камайиши билан изоҳланади.


Шу билан бирга, жорий йилнинг январь ойида хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик кўрсаткичи ўтган йилнинг декабрь ойи даражасида сақланиб қолганлиги (иқтисодий фаоллик индекси 0,2 бирликка ошган) кузатилди.

4-расм. Иқтисодий тармоқларида иқтисодий фаоллик индексининг шаклланиши



Шунингдек, **ишбилармонлик кайфияти индекси** барча тармоқларда ошган бўлиб, корхоналарнинг келгуси 3 ой бўйича иқтисодий қутилмаларининг яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

5-расм. Иқтисодий тармоқларида ишбилармонлик кайфияти индексининг шаклланиши




Бунда, жорий йилнинг январь ойида ишбилармонлик кайфияти индекси ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан қурилиш соҳасида 8,8 бирликка, хизматлар соҳасида 6,6 бирликка, савдо соҳасида 5,9 бирликка ҳамда саноат соҳасида 2,6 бирликка яхшиланган.

Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Саноат соҳасида **Иқтисодий фаоллик индекси** жорий йилнинг январь ойида 47 ни ташкил этиб, ўтган йилнинг декабрь ойига (49,7) нисбатан 2,7 бирликка пасайган.

6-расм. Саноат соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Бунда, мазкур индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш ҳажми** индекси ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 5,3 бирликка, **иш ўринлари сони** ўзгариши индекси 0,7 бирликка, маҳсулотларга **буюртмалар** индекси 2,1 бирликка ҳамда **хом ашё захиралари** индекси 2,5 бирликка пасайган.

7-расм. Саноат соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши




Саноат тармоқлари кесимида, иқтисодий фаоллик индекси деярли барча соҳаларда пасайган бўлиб, мазкур ҳолат ишлаб чиқаришнинг мавсумий пасайиши билан изоҳланиши мумкин.

Шунингдек, соҳада **ишбилармонлик кайфияти индекси** бирмунча яхшиланган (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 2,6 бирликка ошган) бўлиб, индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш** ва **иш ўринлари сони бўйича кутилмалар** мос равишда 7,5 ва 4,8 бирликка ошган.

Саноат тармоқлари кесимида қаралганда, ишбилармонлик кайфияти индекси қурилиш материаллари соҳасида 7,2 бирликка, автомобил саноатида 4,2 бирликка, ёғоч, мебель, қоғоз ишлаб чиқариш саноатида 4,1 бирликка, озиқ-овқат саноатида 3 бирликка ҳамда тўқимачилик саноатида 1,2 бирликка яхшиланганлиги кузатилди.

8-расм. Саноат корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, январь ойи якунлари бўйича ўтказилган сўров натижалари соҳадаги корхоналарнинг **айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси** мавсумий омиллар таъсирида бирмунча пасайганлигини кўрсатди. Хусусан, айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати индексининг 3,5 бирликка пасайиши кузатилди.

Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Январь ойида қурилиш ишлари соҳасидаги **иқтисодий фаоллик индекси** ўтган йилнинг декабрь ойига (49,4) нисбатан бирмунча пасайган бўлиб, 44,7 ни ташкил қилди.

9-расм. Қурилиш соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Мазкур ҳолат, январь ойида қурилиш ишлари ҳажмининг мавсумий секинлашиши натижасида буюртмалар индексининг 41,7 дан 37 гача, қурилиш ишлари ҳажми индексининг 52,6 дан 45,7 гача ҳамда иш ўринлари сони индексининг 53,8 дан 51,2 гача камайганлиги билан изоҳланиши мумкин.

10-расм. Қурилиш соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шу билан бирга, тармоқда **ишбилармонлик кайфияти индексининг** январь ойида ўтган йилнинг декабрь ойидаги **53,8** дан **62,6** гача ошиши кузатилди. Бунда, қурилиш корхоналарининг келгуси **3** ойда қурилиш ишлари ҳажми ҳамда иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалари мос равишда 18,8 ва 11,9 бирликка ошган.

11-расм. Қурилиш соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, жорий йилнинг январь ойида қурилиш корхоналарининг молиявий ҳолати ҳамда айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати индекслари мос равишда 8,1 ва 10 бирликка пасайганлиги кузатилди.

Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Жорий йилнинг январь ойи сўров натижалари хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик даражаси деярли ўзгаришсиз қолиб, ўтган йилнинг декабрь ойи даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатди.


Хусусан, январь ойида хизматлар соҳасида **иқтисодий фаоллик индекси** декабрь ойига (56,1) нисбатан 0,2 бирликка ошиб, **56,3** ни ташкил қилди. Бунда, хизматлар соҳаси иқтисодий фаоллик индекси таркибидаги хизматларга талаб индекси 1,5 бирликка ошган бўлса, хизмат кўрсатиш ҳажми ва иш ўринлари сони индекслари мос равишда 0,1 ва 0,8 бирликка пасайганлиги кузатилди.

12-расм. Хизматлар соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Тармоқлар кесимида қаралганда, иқтисодий фаоллик индекси транспорт хизматлари соҳасида 9,9 бирликка, умумий овқатланиш соҳасида 9,6 бирликка пасайган бўлса, тиббий хизматлар соҳасида 22,6 бирликка ошган. Мазкур ҳолат асосан ушбу хизматларга бўлган талабнинг мавсумий ўзгариши билан боғлиқ ҳисобланади.

13-расм. Хизматлар соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шу билан бирга, январь ойида хизматлар соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** декабрь ойидаги 67,5 дан 74,1 гача ошган бўлиб, индекс таркибидаги хизмат кўрсатиш ҳажми ва хизматларга талаб индекслари 8,9 бирликка, иш ўринлари сони индекси 2 бирликка ошганлиги кузатилди.

14-расм. Хизматлар соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, январь ойида респондентларнинг молиявий ҳолати индекси 2,5 бирликка яхшиланган бўлса, айланма маблағлар таъминланганлик ҳолати индекси 1,8 бирликка пасайганлиги кузатилди.

Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Жорий йилнинг январь ойида савдо соҳасида **иқтисодий фаоллик индексининг** 58,2 дан 50 гача ёки 8,2 бирликка пасайиши кузатилди.

15-расм. Савдо соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Бунда, маҳсулотлар сотув ҳажми индекси 14,9 бирликка (62,2 дан 47,3 гача) иш ўринлари сони индекси 1,6 бирликка (54,3 дан 52,7 гача) пасайган бўлиб, мазкур ҳолат январь ойида савдо соҳасининг мавсумий секинлашиши билан изоҳланади.

16-расм. Савдо соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шу билан бирга, савдо соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ўтган йилнинг декабрь ойидаги 57,7 дан январь ойида 62,6 гача ошган бўлиб, савдо корхоналарининг келгуси 3 ой бўйича кутилмаларининг яхшиланганлигини кўрсатмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2021 йил

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган

E-mail: sturginboev@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-09